

TRANSPORT ВОСИТАСИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒИРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Хайдаматов Элёржон Боходирович

Фарғони вилояти Ички ишлар бошқармаси Тезкор-қидирув хизмати
бошлиғи ўринбосари – Жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи,
подполковник

E-mail: Elyorjon84b@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8431358>

Аннотация. Мақолада транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишнинг норматив ҳужжатларнинг асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бошқа идоравий ҳужжатларнинг мазмуни ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: транспорт воситаси, ўғирлик, Конституция, қонун, фармон, қарор, буйруқ.

Мамлакатларнинг асосий қонуни бўлган Конституция, давлат ва жамият қурилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини у ёки бу тарзда ўзида акс эттирган олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. Тарихда 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Конституциясида меҳнаткаш ва эксплуатация қилинган халқнинг ердан фойдаланиш, сайловларда қатнашиш, виждон эркинлиги, йиғилиш, митингда иштирок этиши белгиланиб, ҳуқуқ ва эркинликлар табиий ва ажралмас деб тан олинмади, балки давлатдан олинган ва синфий рақиблардан тортиб олинган деб тан олинди. 1937 йилда қабул қилинган Конституцияда айрим тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаш расмий равишда йўқ қилиниб, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тизими (иш, дам олиш, моддий таъминот, бепул тиббий ёрдам, бир қатор мажбуриятлар, қонунларни бажариш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, жамоат вазифаларига ҳалол муносабатда бўлиш кабилар) кенгайтирилди. Кейинчалик 1978 йилда қабул қилинган Конституцияда инсоннинг ҳуқуқий мақоми янада такомиллаштирилиб, фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқларини белгиловчи нормалардан ташқари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг халқаро тамойиллари акс эттирилган, давлат ва жамият ишларини бошқаришда



иштирок этиш ҳуқуқлари ҳам белгиланди. Шу билан бирга, Конституция сиёсий ва мафкуравий хилма-хилликка йўл қўймасдан, ягона коммунистик партиянинг мавқеини мустаҳкамлади. Шунингдек, ушбу даврларда Конституция асосида уч юздан ортиқ қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, ТҚФда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш номига, маълум даражада амалга оширилган. Бунинг сабаби, 1927, 1937 ва 1978 йилларда қабул қилинган конституциялар шуровий мафкура заминда яратилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга умуман эътибор берилмасдан, ягона коммунистик партия манфаатларига хизмат қиларди. Мустаққиликнинг илк йилларида жиноятчиликка қарши курашишга доир юздан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” номли иккинчи бўлимида қуйидаги: “Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган барча фуқаролар ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодидан қатъий назар қонун олдида тенглиги; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги; мамлакат ичкариси ва ташқарисида фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиниши; чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши; фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларидан фойдаланиши ва ушбу ҳуқуқларнинг дахлсизлиги қонунлар билан муҳофаза қилиниши”¹ каби қоидаларни белгилангани, транспорт воситасидан содир этилган ўғирликка қарши курашишда муҳим дастурул амал қоидалар бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида: “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур. Умуман, маъно-мазмунини инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган эски таҳрирдаги Конституцияси // Электрон манба: URL: <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 01.10.2023).

керак”² мазмунидаги фикрлари янги таҳрирдаги Конституция нормаларида асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилишидан далолат берди.

Тезкор-қидирув фаолиятининг назарияси, амалиётини ривожланишига хисса қўшган ҳуқуқшунос олимлар тезкор-қидирув фаолиятини тартибига солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гуруҳларга ажратиш бўйича турли фикрларни билдиришади. Жумладан, Т.Р.Саитбаев ва Б.Т.Акрамходжаев томонидан ТҚФнинг ҳуқуқий асосларини икки гуруҳга яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари ва қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари³дан иборатлигини, бошқа мутахассислар эса, ТҚФнинг норматив ҳуқуқий асослари қўйидаги уч даража: “конституциявий; қонун ҳужжатлари; қонуности ҳужжатлари”⁴да намоён бўлишини; Ш.К.Гиясов тадқиқот ишида тезкор-қидирув фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосини қўйидаги: “миллий қонунлар; қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар”⁵ мазмунида уч гуруҳга ажратган. Ушбу таснифга бироз ўзгартириш киритган В.Каримов эса, ТҚФнинг ҳуқуқий асослари қўйидаги:

“конституциявий; қонунлар; қонуности ҳужжатлар”⁶ каби даражалардан иборат бўлиши керак деб таъкидлашади.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий асослари деганда мазкур турдаги ўғирликни олдини олиш, бартараф этиш, чек қўйиш, фош этиш, қидирув ишларини амалга оширишга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: “ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли (41-м)”; “Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади”(66-м); “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш

² <https://president.uz/uz/lists/view/5774> // (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 01.10.2023).

³ Саитбаев Т.Р., Акрамходжаев Б.Т. Ички ишлар органлари оператив-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995. – Б. 6-11.

⁴ Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.8.

⁵ Гиясов Ш.К. Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фойдаланиш этишнинг такомиллаштириш: Юрид. фан. Бўйича фал. д-ри (PhD) дис.– Т., 2018. – Б.31.

⁶ Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунига илмий-амалий шарҳ / В.Каримов: Масъул муҳаррирлар Э.Т. Юлдашев, Ё.В. Коленко. - Тошкент, 2021. – Б.15.

бўйича тезкор-қидирув, тергов хизматлари ташкил этилган бўлиб, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин (146-м)⁷ мазмунидаги қоидаларнинг белгиланиши, ҳар бир инсон мулкдор бўлишга ва унинг мол-мулкдан суднинг қарорисиз ҳеч ким маҳрум этиши, ўзлаштириши ёки талон-торож қилиши мумкин эмаслиги, мулккий турдаги жиноятлар сингари транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари, барча фуқаролар масъул эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида⁸ “транспорт”, “транспорт воситалари”, Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” Қонуннинг 3-моддасида⁹ “транспорт воситаси” каби тушунчалари назарда тутилгани транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишда биринчи навбатда ИИОларининг тезкор бўлинмалари томонидан ушбу тушунчаларнинг маъносини билиб олишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 169-моддаси ўғрилик жиноятига бағишланиб¹⁰, транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик факти бўйича алоҳида қисм, банд билан кўрсатилмасдан, жабрланувчига етказилган моддий зарардан келиб чиқиб, ҳуқуқий малакаланади. Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликнинг объекти деганда ўзга шахснинг, яъни жисмоний, юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситасининг салоида, юкхонасида ёки эҳтиёт қисмларини ўзлаштириш ва тасарруф этишга қаратилган ноқонуний фаолият тушунилади. Объектив томондан мазкур жиноятлар ҳар доим фаол ҳаракатлар натижасида содир этилади. Жиноят субъекти бўлиб 14 ёшга тўлган, ақли расо, жисмоний шахс (шахслар) ҳисобланади. Мазкур жиноят субъектив томондан фақат тўғри қасд билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (36, 38¹, 39¹, 39², 48, 81, 87, 95¹, 135, 136, 137, 139, 140, 141, 162, 172, 174, 180, 182, 183, 187, 187², 213, 218, 219, 222, 225, 320¹, 320², 321, 322, 328, 329, 331, 333, 334,

⁷ Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси // <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 02.10.2023).

⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги “Транспорт тўғрисида”ги 706-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 02.10.2023).

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 348-сон Қонуни // <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 03.10.2023).

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 03.10.2023).

336, 338, 345, 355, 364, 367, 381⁵, 381⁹, 382, 587, 588, 589, 590, 591) ¹¹ нормаларни мазмунида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор бўлинмалар транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик фақти юзасидан маълум функцияларни бажаришга, шу жумладан, ваколати мансабдор шахсларнинг тезкор бўлинмаларга ёзма топшириқ бериши, ариза ва шикоят юзасидан терговга қадар текширув ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш; далилларни тўплаш ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, тезкор ходимнинг ваколати доирасида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари (ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш) ва тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишда эътиборга молик масалалар, процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш, тезкор-қидирув фаолиятининг натижаларини ваколатли субъектларга тақдим этиш тартиби, назорат қилувчи давлат органининг тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги ваколатлари, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаси тезкор ходимларидан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар билан ҳамкорликда транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни фош этиш, қидирув ишларини амалга оширишда масъулият билан ёндошган ҳолда тергов ва процессуал ҳаракатлари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилиши ҳақидаги қоидалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (3, 4, 5, 6-боблари¹²)га биноан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликни барвақт олдини олишда умумий, махсус, яқка, виқтимологик профилактик тадбирлар амалга оширилиб, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари ходимлари Миллий Гвардия, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 18, 20, 23, 24, 25, 26, 27, 28¹-моддалари¹³) асосида транспорт воситасидан содир этиладиган

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.10.2023).

¹² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон Қонуни кодекси // [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 04.10.2023).

¹³ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги 344-сон Қонуни кодекси // [http: www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.10.2023).

ўғирликка қарши курашда ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида “автотранспорт воситалари, фуқаровий ва хизмат ўқотар қуроллари, қидирувдаги шахслар ва ашёлар, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигига кўмаклашувчи бошқа маълумотлар бўйича автоматлаштирилган ахборот банкни юритиш”¹⁴каби муҳим вазифаларнинг белгилангани транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига биноан транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишда фаол қатнашиб келаётган ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларини моддий рағбатлантириш, шу билан бир қаторда мазкур жиноят барвақт олдини олинмай содир этилишига йўл қўйиб берганлиги, хизмат ҳудудида фош этилмасдан қолган транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирлик жинояти учун ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларни ҳар чоракда ойлик маошидан ушлаб қолиш тизими жорий этилганлиги¹⁵, ИИОлари тезкор бўлинмаларидан касбий фаолиятига янада масъулиятли бўлишни тақозо этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарор асосида транспорт воситасидан содир этилган ўғирликни қасддан

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони // <http://www.lex.uz>. uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.10.2023).

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги “Бириктирилган ҳудудда Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 137-сон Қарори // <http://www.lex.uz>. uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 05.10.2023).

содир этишни режалаштирган, тайёргарлик кўраётган жиноят ҳақида муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши натижасида жиноят содир этилишининг олди олинганда; қасддан содир этилаётган талончилик жиноятини тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашганда; фош этилмаган транспорт воситасидан содир этилган ўғирлик факти бўйича уни фош этишга кўмаклашувчи далилларни аниқлаши ёки уни содир этган шахс (шахслар) ёхуд уларнинг қаерда эканлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши натижасида мазкур жиноят фош этилганда; автотранспорт воситасидан ўғирликни содир этиб тергов ва суд органларидан яшириниб юрган шахсни яширинган жойини аниқлаш ва қўлга олишда ёрдамлашганда мазкур қарор билан эндиликда фуқаролармизни меҳнатга ҳақ тўлашнинг 3,52 бараваридан 7,05 бараваригача миқдорида бир маротабалик моддий рағбатлантириш тартиби¹⁶ белгиланди.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи давлат органларидан ИИОлари тизимда қабул қилинган қонуности ҳужжатлар ўрганилганида жумладан, 1991 – 2023 йилларда инсон ҳуқуқлари ва эркинлиларини таъминлашда тезкор-қидирув фаолиятига тааллуқли ИИВнинг икки юздан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, жумладан, қидирув ишини амалга ошириш; *мулкий турдаги жиноятларга қарши кураш*; ҳудудий тезкор бўлинмаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ваколатлари; уюшган жиноятчиликка қарши кураш; гиёҳвандликка қарши кураш каби ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда махсус идоравий ҳужжатлар ИИВнинг Тезкор-қидирув департаментининг таркибидаги тезкор бўлинмалар муҳим йўналишлари бўйича хизмат фаолиятини тартибга солиб келмоқда.

Транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашнинг норматив ҳужжатларни таҳлил қилиниб *биринчидан*, норматив-ҳужжатлар юридик даражасига кўра: Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатларга ажратиб ўрганилиши; *иккинчидан*, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг нормаларининг мазмунини тезкор-қидирув фаолиятининг қонунчилиги нормасига сингдириш ва мустаҳкамлаш асосида тезкор-қидирув қонунчилиги

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январдаги “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилакчаси ва жиноятчиликка қарши курашдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида”ги 15-сон Қарори // <http://www.lex.uz>. uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 06.10.2023).



нормаларини мазмунан бойитиш ҳамда ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳақида хулосаларга келинди.

Хулоса ўрнида айтганда, ИИОларини тезкор бўлинмалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунида белгиланган талаблар асосида хизмат фаолиятини ташкил этилиши транспорт воситасидан содир этиладиган ўғирликка қарши курашишнинг самарадорлигини оширишига хизмат қилади.

